

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА [REDACTED] ВИЛОЯТ СУДИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2020 йил [REDACTED] ойининг [REDACTED] куни жиноят ишлари бўйича [REDACTED] вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъатининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи вилоят суди [REDACTED], ҳайъат судьялари [REDACTED] иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи [REDACTED], жабрланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] оид жиноят иши юзасидан жабрланувчи [REDACTED] томонидан берилган шикоятга асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг 2019 йил [REDACTED] кунги ҳукмига кўра,

[REDACTED] - 1969 йил 29 декабрда [REDACTED] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 5 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишламайди, муқаддам:

1) 1998 йил 6 октябрда жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман суди томонидан ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми, 248-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

2) 2001 йил 27 мартда жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман суди томонидан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,б,г” бандлари билан 5 йил озодликдан маҳрум қилинган, жазодан 2001 йил 9 сентябрда амнистия актига асосан озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланган, [REDACTED] тумани, “ [REDACTED] ” ҚФЙ, [REDACTED] қишлоғида яшаган, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида 2018 йил 02 сентябрда “қамокқа олиш” ҳақида эҳтиёт чораси танланган, айблов хулосаси нусхасини 2018 йил 12 декабрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони манзил калонияларда ўташи белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED], [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] яшовчи [REDACTED] билан унинг қўй ва эчкиларини боқиш борасида оғзаки келишувга кўра, ҳар ойда 1.000.000 сўм ва бир йилда 1.000 кг буғдой тўлов қилиш эвазига 2018 йил 24 аперль куни [REDACTED] дан 643 бош қўй ва 103 бош эчкиларни санаб жавобгарлигига қабул қилиб олгач, ушбу майда шохли чорва молларини [REDACTED] СИУ ҳудудида боқиб келиб, ўзига ишониб топширилган майда шохли чорва молларини талон-торож қилиб, моддий манфаатдор бўлиш мақсадида, харидорларга чорва



молларини ўзига тегишли эканлиги айтиб, 2018 йил май ойида [REDACTED] туманидаги “[REDACTED]” мол бозорида А.Алимовга ҳар бирининг бозор нархи 700.000 сўмдан бўлган, жами 14.000.000 сўмлик 20 бош урғочи қўйларни, ҳар бирини 725.000 сўмдан жами 14.500.000 сўмга, 2018 йил 29 май куни [REDACTED] СУИ ҳудудида, К.Ядгоровга унинг савдо дўконидан олган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ундан олган қарзи учун берилиши лозим бўлган 13.500.000 сўм эвазига дастлаб 10 бош, кейин яна 10 бош, ҳар бирининг бозор нархи 700.000 сўмдан бўлган, жами 14.000.000 сўмлик 20 бош урғочи қўйларни, 2018 йил июнь ойида, [REDACTED] СИУ ҳудудида Ш.Саматовга дастлаб 7.200.000 сўмга 10 бош ва июль ойида 7.700.000 сўмга 11 бош, ҳар бирининг бозор нархи 700.000 сўмдан бўлган жами 14.700.000 сўмлик 21 бош урғочи қўйларни, 2018 йил июль ойида [REDACTED] СИУ ҳудудида Ш.Дусмуродовнинг 1 бош урғочи ғуножини эвазига ҳар бирининг бозор нархи 700.000 сўмдан бўлган, жами 4.900.000 сўмлик 7 бош урғочи қўйларни ҳамда жами 800.000 сўмлик 2 бош эчкиларни ва 2018 йил август ойида ҳар бирининг ўртача бозор баҳоси 700.000 сўмдан бўлган, жами 33.600.000 сўмлик 48 бош урғочи қўйларни ҳамда ҳар бирининг ўртача бозор баҳоси 400.000 сўмдан бўлган, жами 16.400.000 сўмлик 41 бош эчкиларни номаълум шахсларга, жами бўлиб [REDACTED] тегишли бўлган кўп миқдордаги, умумий қиймати 98.400.000 сўмлик 116 бош қўй ва 43 бош эчкиларни сотиб юбориб, пулларини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб, ўзганинг мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Жабрланувчи [REDACTED] апелляция тартибидаги шикоятда, суднинг ҳукмини бекор қилиб, келтирилган зарар миқдorigа аниқлик киритишни, [REDACTED] жиноий ҳаракатини ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан квалификация қилишни, суд ҳукмининг “жиноят иши юзасидан 2018 йил 16 июлдаги давлат нотариал идорасидан олди-сотди шартномаси орқали М.Бобоева номига расмийлаштирилган ва хатланиб, [REDACTED] туман ИИБда сақланаётган 1997 йилда ишлаб чиқарилган, “Дамас” русумли, давлат белгиси [REDACTED], мутахассис томонидан 31.406.000 сўмга баҳоланган автомашинаси хатловдан чиқарилсин” деган қисмини бекор қилиб, ўзининг фойдасига ҳал қилиб, етказилган зарарни ундириб беришни сўраган.

Судлов ҳайъати, вилоят судининг судьяси [REDACTED] нинг маърузасини, прокурор [REDACTED] суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция тартибидаги шикоятини қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, жабрланувчи [REDACTED] ва [REDACTED] апелляция тартибидаги шикоятини қувватлаб берган фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини текшириб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштиришни, апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] содир этган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Судланувчи [REDACTED] айби, унинг айбига қисман иқдорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, жабрланувчи [REDACTED],



гувоҳлар Р.Жўраев, А.Алимов, К.Ядгаров, Ш.Самадов, Н.Қувондиқов, М.Қувондиқов, Н.Ўразалиев, Б.Худойназаров, М.Абдумаликов, Л.Жўраева, М.Бобоева, Ш.Дўсмуродов, С.Қодиров, М.Гужибаев, З.Алимов, А.Қўнишев, А.Гулмуродов, Ш.Баратовларнинг кўрсатувлари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, фотосуратлари, нарсани олиш тўғрисидаги баённомалари, фотосуратлари ва ишда тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган.

Биринчи инстанция суди [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида беш нафар фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразгўйлик ниятида содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб, эътиборга олиб, жиноий ҳаракати квалификация қилинган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан тергов органининг судланувчи [REDACTED] томонидан жабрланувчи [REDACTED] тегишли бўлган, оғзаки келишувга кўра унга ишониб топширилган, умумий қиймати 124.400.000 сўмлик 129 бош қўй ва 43 бош эчкиларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликдаги айблови бўйича, дастлаб сотиб юборилган қўйларнинг сонларини ҳисоблашда арифметик хатоликка йўл қўйилганлиги сабабли, қайта ҳисоблаганида 116 бош қўй чиққан бўлиб, уларни баҳолашда [REDACTED] тумани “ [REDACTED] ” МЧЖ томонидан берилган маълумотномасида, бир бош қўйнинг ўртача бозор баҳоси 700.000 сўмдан 800.000 сўмгача, бир бош эчкининг ўртача бозор баҳоси 400.000 сўмдан 500.000 сўмгача баҳоланганлиги ҳолатини бозор томонидан берилган нархнинг энг юқори қисмидан эмас, балки ўртача қисмидан ҳисоблаб, яъни 116 бош қўйларнинг ҳар бирини 700.000 сўмдан 81.200.000 сўм ва 43 бош эчкиларнинг ҳар бирини 400.000 сўмдан 17.200.000 сўм деб, умумий қиймати 98.400.000 сўм миқдорда моддий зарар етказилган деб ҳисоблаб, ушбу зарар миқдори кўп миқдорни ташкил қилганлиги сабабли, [REDACTED] жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” бандидан, шу модданинг 2-қисми “а” бандига қайта квалификация қилишни лозим деб топиб, тўғри хулосага келган.

Чунки, жиноят иши ҳужжатларида 2019 йил 19 февралда вилоят бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси бошқаруви раисининг хати мавжуд бўлиб, ушбу хатда [REDACTED] тумани, “ [REDACTED] ” деҳқон бозори, [REDACTED] тумани, “ [REDACTED] ” мол бозори, [REDACTED] ” деҳқон бозоридаги қўйлар ва эчкиларнинг ўртача баҳоси олинган бўлиб, ушбу баҳолар суд ҳукм чиқараётган вақтда инобатга олинган баҳога мутаносиб эканлиги аниқланди.

Шунингдек, биринчи инстанция суди томонидан иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 74 бош қўйлар жабрланувчи [REDACTED] тилхат орқали қайтарилиб, етказилган зарарнинг (74x700.000) 51.800.000 сўмини қопланган деб ҳисоблаб, қопланмай қолган 46.600.000 сўмини судланувчи [REDACTED] ҳисобидан ундиришни белгилаб, қонуний тўхташга келган.



Биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] жиноий ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, адолатли жазо тайинлаган бўлсада, дастлабки тергов органи томонидан 2018 йил 16 июлдаги давлат нотариал идорасидан олди-сотди шартномаси орқали М.Бобоева номига расмийлаштирилган ва хатланиб, [REDACTED] туман ИИБда сақланаётган 1997 йилда ишлаб чиқарилган, “Дамас” русумли, давлат белгиси [REDACTED] бўлган, мутахассис томонидан 31.406.000 сўмга баҳоланган автомашинаси хатловдан чиқариб барвақт хулосага келган кўринади.

Апелляция инстанциясида сўралган гувоҳ Ш.Алланов, 2018 йил июнь ойининг охирларида Дамас русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган машинасини сотиш учун бозорга олиб борганида ўзини [REDACTED] туманида яшовчи [REDACTED] деб таништирган йигит машинани кўриб сотиб олишини айтганлиги ва уй манзилени олганлиги, орадан 3-4 кун ўтиб, [REDACTED] кўнғироқ қилиб, акаси билан машинани кўриш учун бораётганлигини айтганлиги, кейин акаси билан Ласетти русумли машинасида келиб Дамас машинасини 22.500.000 сўмга келишганлиги ва 500.000 сўм пул бериб кетганлиги, орадан бир hafta ўтиб [REDACTED] бозорининг катта дарвозаси рўпарасида учрашганида, [REDACTED] қизи билан келганлиги, орадан 3-4 кун ўтганидан сўнг [REDACTED] уйига келиб, ўғли Шохруҳга Дамас машинасининг қолган пулини бериб, машинасини олиб кетганлиги, орадан 4-5 кун ўтганидан сўнг [REDACTED] билан бирга [REDACTED] санъат коллежи ёнидаги нотариал идорага боришганлиги, [REDACTED] ўша куни қизи билан бирга келганлиги, у машинани қизининг номига расмийлаштиришини айтгани, лекин нотариал идора ходимлари машинани [REDACTED] г қизини номига расмийлаштириб бўлмаслигини, сабаби қизи 18 ёшга тўлмаганлигини айтишганлиги, у [REDACTED] машинани ўзининг ёки турмуш ўртоғининг номига расмийлаштиришини айтганида, у иложи йўқлигини, қизининг номига расмийлаштириши лозимлигини айтганлиги, 2018 йил 16 июль куни [REDACTED] унга кўнғироқ қилиб, [REDACTED] тумани, [REDACTED] шаҳарчасига келишини, машинани шу ердаги Нотариал идорада расмийлаштиришини айтганлиги, кейин у ўша ерга бориб машинани [REDACTED] қизи М.Бобоевага сотганлиги бўйича олди-сотди шартномаси расмийлаштирилганлиги, [REDACTED] [REDACTED] туманида кўп қўйлари борлигини, қўйларни сотиб пул олиб келишини айтганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўралган гувоҳ Б.Раимов, ишсиз бўлганлиги учун кунлик ишларни қилиб юрганлигини, жабрланувчи [REDACTED] таклифига кўра, унинг қўйларига эн солишга ёрдам берганлиги ва қўйларни санашганлиги, ўша вақтида санокдан ўтказилганида 644 дона қўй, 243 дона қўзи ва 77 дона эчкилар чиққанлиги аниқлангани ҳақида кўрсатув берди.

Шу сабабли, судлов ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан 2018 йил 16 июлдаги давлат нотариал идорасидан олди-сотди шартномаси орқали М.Бобоева номига расмийлаштирилган ва хатланиб, [REDACTED] туман ИИБда сақланаётган 1997 йилда ишлаб чиқарилган, “Дамас” русумли, давлат белгиси [REDACTED] бўлган, мутахассис томонидан 31.406.000 сўмга



баҳоланган автомашинани аукцион савдосига чиқариб, сотилиб, тушган пул маблағларини етказилган зарарни қоплашга қаратишни лозим топади.

Юқорида баён этилганларга кўра, апелляция инстанцияси, суд ҳукмини ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштиришни, апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Бинобарин, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 490, 496, 497¹³, 497¹⁸-моддаларига риоя қилиб,

АЖРИМ ҚИЛАДИ

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг [REDACTED] кундаги [REDACTED] оид ҳукми ўзгартирилиб, қонунга мувофиқлаштирилсин.

Дастлабки тергов органи томонидан 2018 йил 16 июлдаги давлат нотариал идорасидан олди-сотди шартномаси орқали М.Бобоева номига расмийлаштирилган ва хатланиб, [REDACTED] туман ИИБда сақланаётган 1997 йилда ишлаб чиқарилган, “Дамас” русумли, давлат белгиси [REDACTED] бўлган, мутахассис томонидан 31.406.000 сўмга баҳоланган автомашина аукцион савдосига чиқариб, сотилиб, тушган пул маблағлари етказилган зарарни қоплашга қаратилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи	имзо	[REDACTED]
Ҳайъат судьялари	имзо	[REDACTED]
	имзо	[REDACTED]

Аслига тўғри: [REDACTED]

